XALQ DEPUTATLARI TOSHKENT SHAHAR KENGASHINING
Q A R O R I

2022 - yil 11 - oktabr VI-71-260-14-0-K/22 Toshkent shahar hokimligi

Яшнобод туманидаги “Олмос” маҳалласини бўлиш ҳисобига янги маҳалла ташкил этиш, номлаш ҳамда уларнинг чегараларини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги ва “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги “Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 48-сонли қарорига асосан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 13 октябрдаги 09-2889-сонли хати маълумот ва ижро учун ҳамда География объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича Тошкент шаҳар комиссиясининг 2022 йил 19 августдаги 12-сонли йиғилиш баёни маълумот учун қабул қилинсин.

2. Яшнобод тумани ҳокимлигининг тумандаги “Олмос” маҳалласини бўлиш ҳисобига янги маҳалла ташкил этиш, номлаш ҳамда уларнинг чегараларини белгилаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3. Яшнобод туманидаги ҳудудий чегараларни қайта кўриб чиқиш ҳисобига бўлинаётган ҳамда янги ташкил этилаётган маҳаллаларнинг номлари рўйхати 1-иловага мувофиқ;

Яшнобод туманидаги ҳудудий чегараларини қайта кўриб чиқиш ҳисобига бўлинаётган ҳамда янги ташкил этилаётган маҳаллаларнинг чегаралари ва

тавсифлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Тошкент шаҳар Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси (Ф.Махмудҳўжаев), Яшнобод тумани ҳокимлиги (Б.Рахманкулов):

бўлиниш ҳисобига янги ташкил этилаётган маҳалланинг тўлиқ шаклланиши ва фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратилсин;

бўлиниш ҳисобига янги ташкил этилаётган маҳалла юзасидан киритилган ўзгартириш бўйича маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси ўртасида тегишли тушунтириш ишлари олиб борилсин.

5. Тошкент шаҳар Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси (Ф.Махмудҳўжаев), Кадастр агентлигининг Тошкент шаҳар бошқармаси (Б.Ташходжаев), Тошкент шаҳар Статистика бошқармаси (Л.Мирсоатов), Яшнобод тумани ҳокимлиги (Б.Рахманкулов) мазкур қарорга асосан тегишли ҳужжатларга ўрнатилган тартибда ўзгартиришлар киритилсин ҳамда бу борада зарур чоралар кўрилсин.

6. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизматига, Тошкент шаҳар ҳокимининг ахборот технологияларини жорий этиш бўйича ўринбосари котибияти мудири (Б.Абдурахимов)га мазкур қарор расмий эълон қилинишини ва www.toshkent.uz расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминлаш тавсия этилсин.

7. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан сўнг кучга киради.

8. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал соҳа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссия раиси О.Жиянбоев ва Тошкент шаҳар Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Ф.Махмудҳўжаев зиммасига юклатилсин.

Kengash raisi **ARTIKXODJAYEV J. A.**

Xalq deputatlari Toshkent shahar
Kengashining
2022 yil 11 oktabrdagi
VI-71-260-14-0-K/22-son qaroriga
1-ilova

Яшнобод туманидаги ҳудудий чегараларни қайта кўриб чиқиш ҳисобига бўлинаётган ҳамда янги ташкил этилаётган маҳаллаларнинг номлари рўйхати

Т/р	**Бўлинадиган маҳалла номи**	**Бўлиниш ҳисобига янги ташкил этилаётган маҳалла номи**	**Изоҳ:**
Яшнобод тумани			Маҳалла фуқаролар йиғинлари, туман ҳокимликларининг таклифлари ва Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича Тошкент шаҳар комиссияси хулосалари асосида
1.	“Олмос” маҳалласи	“Қалқон” маҳалласи	

Xalq deputatlari Toshkent shahar
Kengashining
2022 yil 11 oktabrdagi
VI-71-260-14-0-K/22-son qaroriga
2-ilova

Яшнобод туманидаги ҳудудий чегараларини қайта кўриб чиқиш ҳисобига бўлинаётган ҳамда янги ташкил этилаётган маҳаллаларнинг чегаралари ва тавсифлари

“Олмос” маҳалла чегараси ва тавсифи

Маркази: 58а харбий шаҳарчада жойлашган

Аҳоли: 5804 та

Оила: 2056 та

Оҳангарон шоҳ кўчаси жануби-ғарбий томони ҳамда Катта Олмос кўчаси жануби-шарқий кесишган жойи 1-бошланғич нуқта деб қабул қилинсин. *(шимолий кенглик координатлари 41°16’4”, шарқий узунлик координатлари 69°22’1”)*

1-нуқтадан чегара чизиғи Оҳангарон шоҳ кўчаси жануби-ғарбий томони ва Катта Олмос кўчаси жануби-шарқий кесишган жойидан бошланиб янги мўлжалланаётган йўлнинг ўртаси, туташувигача 1047 метр масофада 2-нуқтага туташади *(шимолий кенглик координатлари 41°16’35”, шарқий узунлик координатлари 69°21’44”).*

2-нуқтадан чегара чизиғи жануби-шарқий йўналишда Оҳангарон шоҳ кўчасининг ёрдамчи йул хамда янги мўлжалланаётган йўлнинг ўртасидан Яккатол кўчасигача 725 метр масофада 3-нуқтага туташади. *(шимолий кенглик координатлари 41°16’51”, шарқий узунлик координатлари 69°22’7”).*

3-нуқтадан чегара чизиғи шимоли-шарқий йўналишда Яккатол кўчасигача, Яккатол кўчасини ўнг тарафи бўйлаб Яккатол 2 тор кўчасини кесишувигача, Яккатол 2 тор кўчасини кесишувидан ўнг тараф бўйлаб 58А ҳарбий шаҳарчанинг 5-сонли кўп қаватли уйининг орқа ҳудудидан “Миришкор” МФЙ маҳалласининг ҳудудигача 627 метр масофада 4-нуқтага туташади. *(шимолий кенглик координатлари 41°16’38”, шарқий узунлик координатлари 69°22’22”).*

4-нуқтадан чегара чизиғи шимоли-шарқий йўналишда “Миришкор” МФЙ ҳудуди ўнг тарафи бўйлаб Бектемир туман ҳудудигача 987 метр масофада 5-нуқтага туташади. *(шимолий кенглик координатлари 41°16’25”, шарқий узунлик координатлари 69°22’49”).*

5-нуқтадан чегара чизиғи шимоли-ғарбий йўналишда Бектемир туман “Миришкор” МФЙни туташган ҳудудидан бошлаб Бектемир туман ҳудуди ўнг тарафи бўйлаб Рохат айланмаси йўлигача 1289 метр масофада 6-нуқтага туташади. *(шимолий кенглик координатлари 41°15’59”, шарқий узунлик координатлари 69°22’8”).*

6-нуқтадан чегара чизиғи жануби-ғарбий йўналишда Роҳат айланмасидан бошлаб Оҳангарон шоҳ кўчаси ва Катта Олмос кўчаси кесишган нуқтасигача 279 метр масофада 1-нуқтага туташади. *(шимолий кенглик координатлари 41°16’4”, шарқий узунлик*

координатлари 69°22’1”)

“ Қалқон ” маҳалла чегараси ва тавсифи

Маркази: Яшнобод тумани “Қалқон“ МФЙ 58А-харбий шахарча

Аҳоли: 7617 та

Оила: 1902 та

Сокин кўчаси жануби-ғарбий томонидан ҳамда Яккатол кўчаси шимоли-шарқий томинидан кесишган жойи 1-бошланғич нуқта деб қабул қилинсин. *(шимолий кенглик координатлари 41°16’35”, шарқий узунлик координатлари 69°21’44”).*

1-нуқтадан чегара чизиғи жануби-шарқий йўналишда Сокин кўчасининг жануби-ғарбий томонидан ҳамда Яккатол кўчаси шимоли-шарқий томонидан кесишган нуқтадан кўп қаватлин уй-жойларнинг орқа қисмидан айланиб, “Мирза-ота” қабристони бошланганча 804 метр масофада 2-нуқтага туташади. *(шимолий кенглик координатлари 41°17’6”, шарқий узунлик координатлари 69°22’22”).*

2-нуқтадан чегара чизиғи шимоли-шарқий йўналишда Гўзал 5-тор кўчасидаги уй жойларнинг орқа қисмидан қурилган уй-жойларнинг орқа қисмидан айланиб “Мирза-ота” қабристони хўдудий чегарасидан “Миришкор ”МФЙ хўдудий чегараси бошланишигача 482 метр масофада 3-нуқтага туташади. *(шимолий кенглик координатлари 41°16’54”, шарқий узунлик координатлари 69°22’29”).*

3-нуқтадан чегара чизиғи шимоли-ғарбий йўналишда “Мирза-ота” қабристони хўдудий чегара чизиғиси ва “Миришкор ”МФЙ хўдудий чегара чизиғиси тўташган нўқтасидан “Миришкор ”МФЙ хўдудий чегараси буйлаб 58А ҳарбий шаҳарчанинг 5-сонли кўп қаватли уй ҳудудининг орқа ҳудудигача 577 метр масофада 4-нуқтага туташади. *(шимолий кенглик координатлари 41°16’38”, шарқий узунлик координатлари 69°22’22”).*

4-нуқтадан чегара чизиғи шимоли-ғарбий йўналишда 58А харбий шахарчанинг 5-сонли кўп қаватли уй ҳудудининг орқа томонидан Яккатол 2 тор кучаси буйлаб, Яккатол кучасидан Сокин кўчасининг бошигача 625 метр масофада 1-нуқтага туташади. *(шимолий кенглик координатлари 41°16’35”, шарқий узунлик координатлари 69°21’44”)*